

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 8-9-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (144-145)
ТЎПЛАМИ 2005 й.
февраль-март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

64. «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 708–II-сон Қонуни
65. «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 2 декабрдаги 709–II-сон қарори

Иккинчи бўлим

66. «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 мартдаги ПҚ–21-сон қарори

Учинчи бўлим

67. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарори
68. «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарори
69. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 мартдаги 79-сон қарори

Бешинчи бўлим

70. «Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» ДАК, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг 2005 йил 24 февралдаги 51, 01/24-4, 110, 8-1/20-111, 07/126-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 24 февралда 1453-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 19 февралдан 4 мартгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

64 Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида

Ушбу Қонун халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини (бундан буён матнда депутат деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини (бундан буён матнда сенатор деб юритилади) чақириб олиш тартибини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатини чақириб олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1-модда. Чақириб олиш асослари

Депутатни, сенаторни чақириб олиш учун қуйидагилар асос бўлади:

депутатнинг, сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жиноий, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

2-модда. Депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор

Қонун ҳужжатларини, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан қабул қилинади.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган сўрови ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларини бузганлиги далилларига оид материаллар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг депутатлик одоби қўмитасига (комиссиясига) хулоса тақдим этиш учун топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатлик одоби қўмитасининг (комиссиясининг) ва прокурорнинг хулосаларини эшитиш яқунлари бўйича депутатни, сенаторни чақириб олиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши асослилиги ёхуд асоссизлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Чақириб олиш тўғрисидаги масаласи қўйилган депутатнинг, сенаторнинг ҳамда мазкур масалага доир материалларни ўрганган ва тайёрлаган прокурорнинг фикри халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг (Сенат Кенгашининг) мажлисида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли деб эътироф этилган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органининг тегишли қарори депутатни, сенаторни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) юборилади.

3-модда. Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенаторни чақириб олиш тартибини ташкил этиш ҳақида

Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор энг аввало тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутати бўлиб, у тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати сифатида чақириб олинади.

Марказий сайлов комиссияси Сенатнинг сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ сенатор тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати этиб сайланган сайлов округида овоз беришни ташкил этади. Бунда овоз бериш депутатни чақириб олиш бўйича ўтказилади.

Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор депутатлик мақомини йўқотганидан кейин, тегишинча депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан эътиборан сенаторлик мақомини ҳам йўқотади.

4-модда. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш

Қонун ҳужжатларига мувофиқ депутатни чақириб олиш у сайланган округ сайловчиларининг яширин овоз бериши йўли билан амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ва депутатни сайлаш учун белгиланган тартибда ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатни чақириб олиш масаласи бўйича овоз беришни ўтказиш зарурлиги тўғриси-

даги қарорини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қонунга мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш бўйича округ комиссияси тузилишини таъминлайди ҳамда овоз бериш вақти ва жойини тайинлайди. Марказий сайлов комиссияси бу ҳақда тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашини, Қонунчилик палатасини ёки Сенатни хабардор қилади.

5-модда. Чақириб олиш ҳақидаги масаласи кўриб чиқиладиганда депутатнинг, сенаторнинг ҳуқуқлари кафолатлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатни, сенаторни чақириб олиш учун ушбу Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган асослар бўлган материаллар тушган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай депутатга, сенаторга тушган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Чақириб олиш ҳақидаги масаласи қўйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сессиялари ва мажлисларида чақириб олиниши ҳақидаги масала кўриб чиқиладиганда иштирок этишга ҳамда ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш ҳақидаги масала қўйилишига сабаб бўлган ёлғон ахборотни билатуриб тақдим этган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

6-модда. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш

Депутатни чақириб олиш ишларини ташкил этиш тегишли округ комиссияси зиммасига юкланади.

Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш учун овоз беришга кечи билан йигирма беш кун қолганида овоз бериш участкалари ва кечи билан йигирма кун қолганида участка комиссиялари тузилади.

Тегишли сайлов округи сайловчиларининг рўйхатлари овоз бериш кунига кечи билан ўн кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Овоз бериш участкаларини ва комиссияларни тузиш, комиссияларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш бўйича яширин овоз бериш бюллетенида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, лавозими (машғулотининг тури) кўрсатилади. Бюллетенга алоҳида-алоҳида горизонтал қатор қилиб қуйидаги матн жойлаштирилади: «Депутатнинг чақириб олинишини ёқлайман» ва «Депутатнинг чақириб олинишига қаршиман». Ҳар бир қаторнинг рўпарасида, ўнг томонга бўш квадрат жойлаштирилади.

Сайловчи депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш чоғида депутатнинг чақириб олинишини ёқлашдан ёки унинг чақириб олинишига қарши эканлигидан келиб чиқиб тегишли бўш квадратга белги-крестик қўяди.

Округ ва участка комиссияларининг ваколатлари муддати депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш якунлари чиқарилганидан кейин тугайди.

7-модда. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш

Овоз бериш натижалари депутатни чақириб олиш бўйича округ комиссиясининг мажлисида, овоз бериш ўтказилган куннинг эртасига аниқланиб, баённомага киритилади, баённома тегишинча Марказий сайлов комиссиясига, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига юборилади.

Агар овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи депутатнинг чақириб олинишини ёқлаб овоз берган бўлса, у чақириб олинган ҳисобланади.

Агар овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан ками депутатнинг чақириб олинишини ёқлаб овоз берган бўлса, шунингдек овоз беришда овоз бериш рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, депутатни чақириб олиш рад қилинган ҳисобланади.

Депутатнинг чақириб олинишини ёқлаб ва чақириб олинишига қарши берилган овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, депутат ўз ваколатларини сақлаб қолади.

Марказий сайлов комиссияси ёки тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликка йўл қўйилганлиги туфайли овоз бериш натижаларини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Бундай ҳолда такрорий овоз бериш тайинланиб, у ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда кечи билан икки ҳафталик муддат ичида ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси округ комиссиясидан олинган баённома асосида депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижаларини беш кунлик муддат ичида рўйхатга олади ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилади.

Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш яқунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссияси Қонунчилик палатасини хабардор қилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш яқунлари тўғрисида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органини ва Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилади.

Депутатнинг ваколатлари, агар овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, уни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан эътиборан муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторнинг чақириб олиниши

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторни чақириб олиш ушбу Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторни чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан амалга оширилади.

9-модда. Депутатни, сенаторни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар

Депутатни, сенаторни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

10-модда. Ушбу Қонун бузилганлиги устидан шикоят қилиш

Ушбу Қонун бузилганлиги устидан Марказий сайлов комиссиясига, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 декабрь,
708-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ**65 «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

«Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш яқунларига кўра амалга киритилсин.

2. «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилган кундан эътиборан қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 67-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 68-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) XXII бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 декабрь,
709-II-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

66 Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуrolли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилинсин.

2. 1978—1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуrolли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ. Фуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О. Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) бир ҳафта муддатда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервига бўшатилинган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида»ги низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва ҳолисона тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуrolли Кучлардан бўшатилинган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ. Фуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов), Қуrolли Кучлар Бирлашган штаби (И. Эргашев), ҳарбий округлар кўшинлари қўмондонлари:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшил-маларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга мухаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фази-латларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини таш-кил қилишни, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъмин-ласинлар.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агент-лиги (М. Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов)га чақирилувчиларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақи-рув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахбо-рот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби Р. Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 март,
ПҚ-21-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

67 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 февраль,
73-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 20 майдаги 248-сон қарорининг 3—6-бандлари.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг қотибияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 3 июлдаги 338-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон ва «Ўзбекис-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 20 майдаги 248-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1997 йил 30 сентябрдаги 457-сон қарорининг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси таркибида истеъмол товарларини харид қилиш юзасидан тендерлар ўтказишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш шўъбасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 4 декабрдаги 535-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 21 сентябрдаги 398-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида» 1998 йил 5 ноябрдаги 465-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг раҳбарияти тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги 480-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида» 1999 йил 5 апрелдаги 155-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 11 декабрдаги 516-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» 1999 йил 17 июндаги 304-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол бозори комплексини Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплексига айлантириш тўғрисида» 1999 йил 19 октябрдаги 468-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Бош вазир ўринбосари — Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси раҳбари аппарати тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2000 йил 7 январдаги 3-сон қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмаси ва ходимлари сонини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 17 февралдаги 56-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси котибияти тузилмасига қўшимча лавозимлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 14 мартдаги 89-сон қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 1 августдаги 298-сон қарори.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарияти тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 310-сон қарори.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг илгари қабул қилинган қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 7 октябрдаги 388-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмаси масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 ноябрдаги 460-сон қарори.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилда темир-терсак ҳамда қора ва рангли металллар чиқиндиларини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 декабрдаги 494-сон қарорига 6-илова.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг сони тўғрисида» 2001 йил 11 январдаги 20-сон қарори.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 95-сон қарори.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 5 мартдаги 112-сон қарорининг 1—3 ва 6-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 16-модда).

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда) 3-илованинг 20-банди.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат аҳамиятига эга бўлган байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш дирекциясини тугатиш тўғрисида» 2001 йил 24 апрелдаги 183-сон қарорининг 3-банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи ва биржа савдосини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 1 майдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 24-модда) 5-илованинг 4-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2001 йил 25 октябрдаги 424-сон қарори.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йилда темир-терсак ҳамда қора ва рангли металллар чиқиндиларини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 19 декабрдаги 478-сон қарорига 6-илова.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 26 апрелдаги 143-сон қарори.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари қўшимча лавозимини киритиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги 187-сон қарори.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплексини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 22 октябрдаги 364-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 61-модда).

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарият таркиби тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 456-сон қарори.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати тузилмасига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёрдамчиси лавозимини киритиш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 18-сон қарори.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 77-банди.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 1 апрелдаги 169-сон қарорига илованинг 5-банди.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарияти тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 5 июндаги 251-сон қарори.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 декабрдаги 517-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 5 сентябрдаги 386-сон қарорининг 3-банди.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 18 ноябрдаги 518-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 122-модда) 3-илованинг 3-банди.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 26 декабрдаги 573-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 132-модда) илованинг 4-банди.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2003 йил 27 декабрдаги 574-сон қарори.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 2 февралдаги 47-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 7-модда).

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарияти таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 50-сон қарори.

42. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 17 февралдаги 74-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 11-модда) илованинг 3-банди.

43. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тузилмасини, штатлар жадвалини ва бошқарма тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 23 февралдаги 81-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 13-модда).

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига 3-илова II бўлимининг 2-банди.

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 210-сон қарори.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 50-илованинг 2—6-бандлари.

47. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 11 октябрдаги 468-сон қарорининг 1-банди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки устави 23-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 1-иловада:

учинчи—ўн учинчи ва ўн саккизинчи қаторлар чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи қаторда «Бўлим мудирининг ўринбосари» сўзлари «Бўлимнинг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи қаторда «Сектор мудир» сўзлари «Бўлимнинг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи қаторда «Катта эксперт» сўзлари «Бўлим мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш бўйича Миллий комиссияси тўғрисида» 1997 йил 12 ноябрдаги 510-сон қарорига:

1-бандда «Агросаноат комплекси котибияти» сўзлари «Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи хатбошида «Агросаноат комплекси котибиятига» сўзлари «Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига:

а) 3-бандда:

биринчи хатбошида «Бош вазир котибияти, Бош вазирнинг ўринбосарлари котибиятлари ва» сўзлари «Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва бошқа» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича — тегишли равишда Бош вазирга ва унинг ўринбосарларига; ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсундилар»;

тўртинчи хатбошида «Бош вазир ва Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари, департаментлар, Ахборот-таҳлил бошқармаси бўлимлари ва умумфункционал бўлинмалар» сўзлари «Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошида «Котибиятлар ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қарорга иловада:

илованинг номидаги «фармонлар» сўзидан кейин «қарорлар» сўзи қўшилсин;

IV бўлимнинг 4-бандида «Комплекслари (Котибиятлари, бўлимлари)га» сўзлари «ахборот-таҳлил департаментлари ва бўлимларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

IV бўлимнинг 5-бандида «комплекс раҳбари» сўзлари чиқариб ташлансин, «ўз аппарати (Котибият, бўлим)» сўзлари «тегишли ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-схемада:

схема номидаги «фармонлари» сўздан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;

«Таркибий бўлинмалар» устундаги «котибият» сўзи «департамент» сўзи билан алмаштирилсин;

«Ижро ва назоратни ташкил этиш» устуни I бўлимининг 1-бандидаги «Фармонлар» сўздан кейин «қарорлар» сўзи қўшилсин;

«Ижро ва назоратни ташкил этиш» устунининг II бўлимида «котибиятлар», «котибиятлар томонидан» ва «котибиятларда» сўзлари тегишли равишда «департаментлар», «департаментлар томонидан» ва «департаментларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устунининг II бўлимида «Комплекс котибияти мудир», «Котибият мудир» ва «Котибият мудирлари» сўзлари тегишли равишда «Департамент мудир», «Департамент мудирлари» сўзлари билан, «катта инспектор» сўзлари «инспектор» сўзи билан алмаштирилсин;

«Ижро ва назоратни ташкил этиш» устунининг III бўлимида «Комплекс Котибияти (ёки бўлим)» ва «Котибиятлар» сўзлари тегишли равишда «Департамент (ёки бўлим)» ва «департаментлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-схемада:

«Таркибий бўлинмалар» устунда «Котибият» сўзи «Департамент» сўзи билан алмаштирилсин;

«Тайёрлаш, бажариш ва назоратни ташкил этиш» устунининг I бўлимида «Котибиятда» сўзи «Департаментда» сўзи билан, «Президент Котибиятига» ҳамда «катта инспекторга» сўзлари «Президент Девонига» ҳамда «инспекторга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устунининг I бўлимида «Котибият» ва «Котибият мудир» сўзлари тегиши равишда «Департамент» ва «Департамент мудир» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тайёрлаш, бажариш ва назоратни ташкил этиш» устунининг II бўлимида «комплексининг тегишли котибияти (ёки бўлими)га» ва «котибиятлари» сўзлари тегишли равишда «Департаментга (ёки бўлимга)» ва «департаментларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 февралдаги 63-ф-сон фармойишининг 1-бандида «Ижтимоий комплекс котибияти» ва «Ижтимоий комплекс котибиятига» сўзлари тегишли равишда «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида» 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарорида:

2-бандда «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 5-бандида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 60-модда) «Зокиров О.А. — Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси котибиятининг етакчи мутахассиси» сўзлари «Қўчқоров Р.Ў. — Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 5 мартдаги 112-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 16-модда):

а) 4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-бандда:

биринчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Давлат статистика қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш республика комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 10 декабрдаги 471-сон қарорига иловада «лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари котибияти етакчи мутахассиси» сўзлари «Ирматов Ш.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида» 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 10-модда):

4-банднинг биринчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Котибиятига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қарорга 3-илованинг 12, 13-бандларида, 14-бандининг ўн биринчи, 18-бандининг учинчи, 20-бандининг иккинчи хатбошида, 22 ва 32-бандларида «Бош вазири Котибияти» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда):

а) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошида «Ижтимоий комплекс» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти» сўзлари тегишли

равишда «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга 1-иловада:

2-банднинг олтинчи хатбошида, 3, 4-бандларда ва 8-банднинг биринчи хатбошида, 17-банднинг иккинчи хатбошида, 23-банднинг иккинчи хатбошида «Ижтимоий комплекс» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошида, 9-банднинг биринчи хатбошида, 15-бандда, 23-банднинг биринчи хатбошида, 24-банднинг иккинчи хатбошида, 27-бандда «Ижтимоий комплекс» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Юкларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги хулосалар Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплексининг протокол қарори тарзида расмийлаштирилади ва унинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мурувват ёрдами юкларини божхонада зудлик билан расмийлаштириш мақсадида уларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисида олдиндан берилган хулосани кейинчалик уни Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплексининг протокол қарори билан тасдиқлаган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг масъул ходимлари орасидан тайинланган мувофиқлаштирувчи томонидан беришга йўл қўйилади»;

18-бандда «Ижтимоий комплекс» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-бандда «Статистика давлат департаменти ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий ва хорижий инвестициялар департаментига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар чоракда Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 2 ва 4-иловаларда «Ижтимоий комплекс»га кўрсатмалар «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти»га кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

4-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти»га кўрсатмалар «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти»га кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

в) қарорга 2-иловада:

илова матнида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти»га кўрсатмалар «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти»га кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

6-бандда «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1 ва 2-иловаларда «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти», «Комплекс Котибияти» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги ком-

плексининг алоҳида муҳим объектларини муҳофаза қилишни ташкил этиш устидан назорат қилувчи Республика идоралараро комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 4 ноябрдаги 377-сон қарорига иловада «ёқилғи-энергетика комплексининг бош мутахассиси» сўзлари «ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 411-сон қарорига 3-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги 92-сон қарорига 4-иловада «Ворисов А.К. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси котибияти мудир» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Қурбонов Ш.Э. — Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика байналмилал маданият марказининг фаолияти масалалари тўғрисида» 2003 йил 8 апрелдаги 180-сон қарорига 1-иллованинг 10-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 29-модда) «Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошида «ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментига» сўзлари «ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга 1-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошида «ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари «ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш схемасида «ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари «ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қарорга 3-иловада «ёнилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментининг бош мутахассиси» сўзлари «ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартла-

рини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотида оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги 295-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 53-модда):

1-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи» ва «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловада «Ҳасанов С.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторлар билан ишлаш масалалари гуруҳи раҳбари» сўзлари «Исматов С.Х. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг ташқи иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш гуруҳининг бош мутахассиси» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси (юрист)» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Вазирлар Маҳкамаси Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментининг (Давлат геология кўмитаси масалалари бўйича)» ва «Мамадалиев Р.М. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментининг (Нефть-газ тармоқлари бўйича) етакчи мутахассиси» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Аброров З.З. — Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув маркази тўғрисидаги низомнинг 9-бандида «Комплекслари котибиятлари» сўзлари «ахборот-таҳлил департаментлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда):

1-илованинг 14-бандида «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 13-бандида «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микро молиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 августдаги 348-сон қарорига 2-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши аъзолари таркиби тўғрисида» 2003 йил 4 сентябрдаги 384-сон қарорига иловада «Охунов С.Т. — Бош вазир ўринбосари аппаратининг бош мутахассиси» сўзлари «Ирматов Ш.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт техникаси ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 6 ноябрдаги 490-сон қарорига 3-иловада «Ижтимоий комплекс» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 121-модда) «Қодирхонов С.С. — Бош вазир Котибиятининг етакчи мутахассиси» сўзлари «Қурбонов Д. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 12-сон, 128-модда):

а) 16-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошида «тегишли комплекснинг котибияти» сўзлари «тегишли ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари котибияти» сўзлари «Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ёки Бош вазирнинг биринчи ўринбосари котибияти» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти ёки Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 17-бандда «Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси Котибияти ёхуд Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ёки Бош вазирнинг биринчи ўринбосари котибияти» сўзлари «тегишли ахборот-таҳлил департаменти ёхуд Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти ёки Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 22-бандда:

иккинчи, учинчи ва еттинчи хатбошида «тегишли Комплексининг Котибияти (департамент)» сўзлари «тегишли ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар

департаменти» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Котибияти» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ёки Бош вазирининг биринчи ўринбосари Котибияти» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти ёки Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин, «тегишли комплекс котибияти» сўзлари «тегишли ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошида «Вазирлар Маҳкамаси тегишли Комплексининг Котибияти ёхуд Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари котибияти» сўзлари «тегишли ахборот-таҳлил департаменти ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти ва (ёки) Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган «Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» лойиҳасини рўёбга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 13 январдаги 17-сон қарорига 2-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 26 январдаги 37-сон қарорига 5-иловада «Қалибеков И.Ж. — Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси котибияти мудирини», «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» ва «Агросаноат комплекси» сўзлари тегишли равишда «Барноев Ў.И. — Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини», «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» ва «Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 15-модда) «Барноев Ў.И. — Агросаноат комплекси котибиятининг етакчи мутахассиси» ва «Қалибеков И.Ж. — Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси котибияти мудирини» сўзлари тегишли равишда «лавозими бўйича — Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» ва «Барноев Ў.И. — Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Киноvideомахсулотларни ишлаб чиқариш, қўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини ли-

цензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 31-модда):

а) 2-бандда «Ижтимоий комплекс котибияти» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга иловада:

3-банднинг учинчи хатбошида, 14-банднинг тўртинчи хатбошида ва 16-банднинг иккинчи хатбошида «Ижтимоий комплекс котибияти» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг учинчи хатбошидаги «Ижтимоий комплекс» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 3 апрелдаги 162-сон қарорига 2-иловада «Ворисов А.К. — Ижтимоий комплекс котибияти мудир» сўзлари «Қурбонов Ш.Э. — Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Малайзия билан инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 апрелдаги 167-сон қарорига иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг бошлиғи», «Набиев У.Н. — Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси котибиятининг мудир» ва «Ворисов А.К. — Ижтимоий комплекс котибияти мудир» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир», «Акбархўжаев Р.Ш. — Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Қурбонов Ш.Э. — Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига 1-иловада «Алихўжаев О.С. — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибиятининг мудир» ва «Ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлиғи» сўзлари тегишли равишда «Ханов Н.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йўзма ахборот-таҳлил департаменти мудир» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 57-модда):

«Азизхўжаев А.А.» ва «Қуронов М.К. — бош мутахассис» сўзлари тегишли равишда «Арипов А.Н.» ва «Амонов Б.А. — Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

комиссия таркибига Зарипов О.К. — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази бошлиғи киритилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб

7-иловада «Анваров А.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» ва «Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибиятининг» сўзлари тегишли равишда «Аҳмедов Т.И. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» ва «Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-иловада «Абдуллаев А.Х. — Агросаноат комплекси котибиятининг етакчи мутахассиси» сўзлари «Тожибоев Б.У. — Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-иловада «Қосимов И.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» ва «Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибияти» сўзлари тегишли равишда «Сафоев Н.С. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» ва «Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-иловада «Машинасозлик, металлургия, кимё, ёқилғи, энергетика ва геология комплекси котибияти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-иловада «Алихўжаев О.С. — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибиятининг мудирини» сўзлари «Ханов Н.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-иловада «Саидов Б.М. — Устувор инвестиция дастурлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш гуруҳи раҳбари», «Алихўжаев О.С. — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибиятининг мудирини» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи» сўзлари тегишли равишда «Солиҳов Ф.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси», «Ханов Н.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» ва «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-иловада «Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибияти», «Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи», «Алихўжаев О.С. — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибияти мудирини» ва «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти бошлиғи» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти», «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирини», «Ханов Н.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш ин-

дустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» ва «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-иловада «Баходиров Ф.В. — «Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплексининг гуруҳ раҳбари» сўзлари «Ирматов Ш.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғини» ва «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти бошлиғини» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» ва «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-иловада «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-иловада «Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Котибиятининг стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича бош мутахассиси» сўзлари «Қодиров Д.Б. — Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-иловада «Тошпўлатов Б.Т. — Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти етакчи мутахассиси» сўзлари «Зокиров К.С. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-иловада «Лавозимига кўра — Агросаноат комплекси Котибияти мудирини» ва «Ахборот-таҳлил бошқармаси шўъба мудирини» сўзлари тегишли равишда «Барноев Ў.И. — Агросаноат ва сув хўжалиғи комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» ва «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-иловада «Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғини» сўзлари «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғини» ва «Ахборот-таҳлил бошқармаси шўъба мудирини» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» ва «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-иловада «Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғини», «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғини» ва «Ахборот-таҳлил бошқармаси шўъба мудирини» сўзлари тегишли равишда «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирини», «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини» ва «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғини» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалала-

ри ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-иловада «Норбаева Т.К. — Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибияти мудир» сўзлари чиқариб ташлансин;

28-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи» ва «Анваров А.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Аҳмедов Т.И. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи» ва «комплекслар котибиятлари» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «ахборот-таҳлил департаментлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-иловада «Набиев У.Н. — Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси котибиятининг мудир» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳ раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Акбархўжаев Р.Ш. — Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-иловада «Набиев У.Н. — Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси котибиятининг мудир» сўзлари «Акбархўжаев Р.Ш. — Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-иловада «Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси котибияти» сўзлари «Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-иловада «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи», «Зиёев Ф.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси котибияти мудир» ва «Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси котибияти» сўзлари тегишли равишда «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир», «Мирзоҳидов Х.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

45-иловада «Азизхўжаев А.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин, «Ворисов А.К. — Ижтимоий комплекс котибияти мудир» сўзлари «Мирзоҳидов Х.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» сўзлари билан алмаштирилсин;

46-иловада «Юнусов Р.Р. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси», «Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи» ва «Охунов С.Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари аппарати бош мутахассиси»

сўзлари тегишли равишда «Тўхтаев А.Х. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси», «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудир» ва «Ирматов Ш.М. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 августдаги 409-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисидаги низомнинг 14-банди биринчи хатбошида «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи» сўзлари «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Кандим конлар гуруҳи участкасига, Хаузак ва Шоди участкаларига, шунингдек Қўнғирот участкасига нисбатан маҳсулот тақсироти тўғрисидаги битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сон қарорининг 5-бандида «Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

68 Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида

Республиканинг турли минтақалари шароитларида манзарали боғдорчиликни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўстиришнинг янги технологияларини жорий этиш, шунингдек манзарали ўсимликлар етиштиришга ихтисослашаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозор эҳтиёжини ўрганиш асосида республика манзарали боғдорчилигини ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини ўстиришнинг илмий асосларини ҳамда истиқболли технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификациялаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни ташкил этиш;

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда манзарали ўсимликларни районлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

турли хўжалик юритувчи субъектларга манзарали ўсимликлар ўстиришда илмий-методик ва ишлаб чиқариш ёрдами кўрсатиш.

3. Қўйидагилар:

Навоий ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги ихтисослаштирилган боғдорчилик ва гулчилик корхоналари, шунингдек Нукус ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги корхонаси ҳамда республика вилоятларидаги 1-иловага мувофиқ ўрмон хўжаликларининг ишлаб чиқариш участкалари Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфига;

тугатилаётган Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг болалар боғчаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига берилсин.

4. Қўйидагилар:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузуридаги Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг ходимларининг чекланган умумий сони 64 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 7 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда:

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази уставини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Навоий ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда ихтисослаштирилган боғдорчилик ва гулчилик ўрмон хўжалиги корхоналарининг Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига берилишини таъминласин.

6. Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфига берилаётган ўрмон хўжалиги корхоналари ва ишлаб чиқариш участкаларини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби ва манбалари сақлаб қолинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда 2010 йилгача бўлган даврда манзарали боғдорчиликни ривожлантиришга доир аниқ тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ


Тошкент ш.,
2005 йил 2 март,
76-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорига
1-ИЛОВА


**Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика
илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига бериладиган
ўрмон хўжалиги корхоналари ва ишлаб чиқариш
участкалари рўйхати**

Минтақалар номи	Бўлинмалар номи	Бериладиган ишлаб чиқариш участкалари номи
1. Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги корхонаси	Тўлиқ бериледи
2. Андижон вилояти	Тошоҳур ўрмон хўжалиги	Ойим участкаси
3. Бухоро вилояти	Ғиждувон ўрмон хўжалиги	Марказий участкаси
4. Қашқадарё вилояти	Қарши ўрмон хўжалиги	Бешкент участкаси
5. Навоий вилояти	Навбаҳор ўрмон хўжалиги	Навбаҳор участкаси
6. Наманган вилояти	Наманган ўрмон хўжалиги	Ўртаорол участкаси
7. Самарқанд вилояти	Самарқанд ўрмон хўжалиги	Дарғом участкаси
8. Сурхондарё вилояти	Термиз ўрмон хўжалиги	Қорасув участкаси
9. Сирдарё вилояти	Сирдарё ўрмон хўжалиги	Бобур номли участкаси
10. Тошкент вилояти	Тошкент ўрмон хўжалиги	Саксонота участкаси
11. Хоразм вилояти	Хоразм ўрмон хўжалиги	Қақрали участкаси

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош
бошқармаси ҳузуридаги Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги
республика илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкилий тузилмаси**



**Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-
ишлаб чиқариш маркази ижро этувчи аппаратининг тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

69 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш тўғрисида» 2005 йил 11 январдаги 13-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига 1-илованинг 30-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорининг 6-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 3-илованинг 42-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 март,
79-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 2 мартдаги 79-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбоши ва 6-бандининг биринчи—тўртинчи хатбошлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда) чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига 1-илова 4-бандининг тўртинчи хатбоши ва 7-бандининг «б» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда) чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 30 мартдаги 153-сон қарорига 4-ило-

ва 4-бандининг учинчи хатбоши, 5-бандининг бешинчи хатбоши ва 8-бандининг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда):

«Ўзаукционсавдо» шўъба корхонаси» блоки чиқариб ташлансин;

«127» рақами «117» рақами билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» АК
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ АШЁ БИРЖАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**70 Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида
вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
24 февралда 1453-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 6 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қаро-рига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. «Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 февраль,
51-сон

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 февраль,
01/24-4-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 февраль,
110-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

«Ўздонмахсулот» АК бошқаруви раиси Э. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 февраль,
8-1/20-111-сон

**Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси
бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 24 февраль,
07/126-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 19 февралдан 4 мартгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» ДАК, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг 2005 йил 24 февралдаги 51, 01/24-4, 110, 8-1/20-111, 07/126-сон қарори.

2005 йил 24 февралда 1453-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 6 мартдан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона имтиёзларидан фойдаланадиган ташкилотлар ва шахсларга тегишли товарлар устидан давлат божхона назоратини амалга оширишнинг вақтинчалик қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

